

“ЎзКоджи” акциядорлик жамияти
Ўзбекистон – Корея қўшма корхонасининг
«20» июн 2016 й. даги умумий йиғилиш қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»
(таржима)

“ЎЗКОДЖИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИДА МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ
ВАҚТИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НАМУНАВИЙ

НИЗОМ

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
- II. МАЗКУР НИЗОМ ДОИРАСИГА КИРУВЧИ ШАХСЛАР
- III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ
- IV. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ)
- V. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
- VI. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ (ТАРТИБГА СОЛИШ)
- VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “ЎзКоджи” акциядорлик жамияти Ўзбекистон – Корея қўшма корхонасининг Устави (кейинги ўринларда Устав деб аталади), Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Жамиятда юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамият фаолият юритиши жараёнида Жамиятнинг (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари) мулкӣ ёки бошқа манфаатлари билан Жамият кредиторлари, контрагентлари ва бошқа мижозларининг (кейинги ўринларда Мижозлар) мулкӣ ва бошқа манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилик оқибатида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши мумкин ва бу ҳолатда Жамият бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорларининг манфаатлари, Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва акциядор (акциядорлар)манфаатлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви (корпоратив тўқнашув) юзага келиши мумкин.

3. Мазкур Низомда манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишининг қуйидаги ҳолатлари кўриб чиқилади:

мажоритар акциядорлар (йирик акция пакетлари эгалари бўлган акциядорлар) билан миноритар акциядорлар (кўп бўлмаган миқдордаги акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар) ўртасида;

Жамият бошқарув органлари билан унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;

Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари билан Жамият Мижозлари ўртасида;

Жамият билан хизмат вазифаларини бажариш вақтида Жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида.

II. МАЗКУР НИЗОМ ДОИРАСИГА КИРУВЧИ ШАХСЛАР.

4. Мазкур Низом эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари ва барча ходимларига нисбатан қўлланилади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш талаблари Жамият билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи жисмоний шахсларга, агар тегишли мажбуриятлар уларга улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида ёки қонунда тўғридан тўғри белгиланган бўлса, қўлланилади.

III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

6. Жамиятда манфаатлар қарама-қаршилигини бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:

мавжуд ва яширин, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган (потенциал) манфаатлар қарама-қаршилиги тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинишининг мажбурийлиги;

ҳар бир манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлашда ва уни ҳал этишда Жамият обрўсига (репутациясига) етадиган хатарни ҳисобга олган ҳолда индивидуал кўриб чиқиш ва баҳолаш;

манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал қилиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш тартибининг ўта махфийлиги;

манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этишда Жамият бошқарув ва назорат органлари ҳамда Жамият ходимларининг манфаатлар мувозанатини сақлаш;

Жамият ходими томонидан аниқланган ва Жамият томонидан унинг ўз вақтида ҳал этилишига (олди олинишига) сабаб бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги тўғрисидаги хабарни берганлиги туфайли шахсни таъқиб этилишдан ҳимоя қилиш.

IV. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ)

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасидаги, Жамият бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувлари қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

Қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

Миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига ва акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга муҳим таъсир ўтказа олмаслиги;

Ваколатли бошқарув органларини олдиндан огоҳлантирмай, йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;

Жамият бошқарув органлари томонидан Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашувиغا олиб келувчи қарорларнинг қабул қилиниши;

Жамият бошқарув органлари таркибига кирувчи шахсларнинг бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида эгаллаган лавозимлари, бошқа жамиятлардаги улушга (акцияларга) эгаллик қилиш тўғрисидаги ахборотларни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор қилмаслик ёки тўлиқ бўлмаган ахборотни тақдим этиш.

8. Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлари ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги қуйидаги ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин:

Қонунчиликка, Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилмаслик;

Жамият акциядорларининг манфаати устуворлиги тамойилига риоя қилмаслик;

расмий мулоқот меъёрлари ва профессионал одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

Жамият томонидан, шунингдек Мижоз томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги;

қонунчиликда ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаслик.

9. Жамият ва мансабдор шахслари, ходимлари ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги қуйидаги ҳолатлар натижасида юзага келиши мумкин:

Қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

расмий мулоқот меъёрлари ва профессионал одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

хусусий ёки оила аъзолари билан тижорат фаолиятини юритиш;

Жамият билан муносабатлари қўллаб-қувватланадиган бошқа компанияда молиявий манфаатларнинг мавжудлиги;

бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик асосида ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиш;

шахсий манфаатлари туфайли Жамият манфаатларига зарар етказган ҳолда бошқа компанияларга ишбилармонлик имкониятларини тақдим қилиш.

V. МАНФААТЛАР ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

10. Жамият Устави ва ички ҳужжатларида манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олишнинг умумий механизмлари белгилаб қўйилади.

Мазкур Низомда манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш бўйича чоралар белгилаб қўйилган бўлиб, Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ҳамда ходимлари уларни бажаришга мажбурдирлар.

11. Манфаатлар қарама-қаршилигининг ҳар қандай турини олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Жамиятда ўрта ва узоқмуддатлик даврда барқарор даромадлиликка эришишни таъминлаш;

низоли вазиятларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиш ва қарор қабул қилишдан тийилиш;

Жамиятнинг самарали бошқарувини таъминлаш;

Жамиятда ғайриқонуний фаолиятни, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш кабиларни амалга оширишга йўл қўймаслик;

товарларни ишлаб чиқаришда (иш ва хизматлар кўрсатишда) юқори натижага эришишни таъминлаш;

ҳар чоракда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли бошқарув органларига ҳисоб бериш;

Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ташқи ва ички назоратни амалга ошириш;

нархи қонун ҳужжатларида ва Жамият Уставида белгиланган миқдордан ошган йирик битимлар, айрим битимлар ёки ўзаро боғланган бир нечта битимларни Жамиятнинг кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш шартларини назорат органлари томонидан ўрганилишини амалга ошириш;

кузатув кенгаши томонидан битимни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар тасдиқланганида, зарур ҳолларда мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилиш;

аффилиланган шахслар тўғрисидаги ахборотнинг ҳисобини таъминлаш;

қуйидаги битимларни амалга ошириш ва риоя қилиш тартибини ишлаб чиқиш:

а) аффилиланган шахслар билан;

б) Жамият акциядорлари ва аффилиланган шахслари билан;

Жамиятнинг ваколатли органи томонидан олдиндан тасдиқланмаган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимларни амалга оширмаслик;

юқори турувчи органларнинг руҳсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида мансаб эгалламаслик;

амалдаги қонун талабларига мувофиқ, Жамият фаолиятига оид ахборотларни ва Жамият Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ қўшимча ахборотларни ошкор қилиш;

акциядорларга ва Мижозларга, бошқарув ва назорат органларига ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этиладиган бухгалтерлик

ҳисоботи ва бошқа чоп этиладиган, шу жумладан, реклама мақсадларида тақдим этиладиган ахборотларнинг тўғрилигини таъминлаш;

Жамиятда мавжуд махфий ахборотнинг, ушбу ахборот билан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланилишининг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалардаги Жамият тўғрисидаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлиги ва холислигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган барча фактларга ўз вақтида муносабат билдириш (чоралар кўриш);

Жамиятнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок этиш;

бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган мукофотларнинг Жамиятнинг молиявий ҳолатига мос келишини, шунингдек Жамият фаолиятидаги эришилган ютуқлар режалаштирилган кўрсаткичларга қанчалик мувофиқ келишини аниқлаш;

профессионал ва корпоратив одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш.

12. Жамиятнинг акциядорлари ўртасида, шунингдек Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳамда унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга ҳам мажбурдирлар:

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;

ошкор этилиши қонунчиликда белгилаб қўйилган ахборотларни акциядорларга ўз вақтида етказишни таъминлаш;

ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

қарама-қаршилик предмети бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича тўлиқ ахборотни акциядорларга тақдим қилиш;

рақобатдош хўжалик жамиятидан акция (улуш) олишда, шунингдек бундай жамиятларнинг бошқарув органларида иштирок этишда Жамият бошқарув органлари аъзоларининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни аниқлаш;

қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг холислигини, пухталигини, мустақиллигини таъминлаш учун Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни қўйишга ҳаракат қилиш.

13. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ҳамда Мижозлари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш мақсадида Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга ҳам мажбурдирлар:

белгиланган тартибда Жамият тўғрисидаги ахборотни тақдим қилинишини таъминлаш;

махфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

товарни (хизматни) шартнома асосида биргаликда келишилган ёки тариф бўйича белгиланган нархда реализация қилиш;

Жамият обрўсига путур етказиши мумкин бўлган Мижозлар билан битимлар тузишга йўл қўймаслик;

ўз Мижозларига товарларни (хизматни) профессионал ва ҳалол тарзда етказиб бериш (кўрсатиш);

Мижоз аниқ хатоликка йўл қўйган (Мижоз томонидан имзоланган талабнома, шартнома ва бошқа ҳужжатларда) вазиятлардан ходимлар ўз шахсий мақсадларида атайин фойдаланишларига йўл қўймаслик. Бундай хатоликлар аниқланганда Жамият ходими ушбу ҳужжатдан фойдаланишнинг олдини олиш ва бу ҳақида Мижозни хабардор қилиши зарур;

мижозга берилган тавсиялар бундай масала бўйича мавжуд ахборотнинг виждонан таҳлил қилиниши асосида бўлишини таъминлаш;

Жамият фаолияти давомида яратилган, олинган ва йиғилган - қоғоз, магнит ва бошқа кўринишда акс эттирилган хизмат ва тижорат сирини сирасига киритилган ахборотнинг Жамият бошқарув органларининг ёки ваколатли мансабдор шахсларининг рухсатсиз сотилиши, тақдим этилиши,

нусха кўчирилиши, кўпайтирилиши, айирбошланиши ёки бошқа тарзда тарқатилиши ва тиражланишигига йўл қўймаслик мақсадида ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

14. Шунингдек, Жамият ва унинг мансабдор шахслари, ходимлари, ўз хизмат вазифаларини бажаришларида, улар ўртасида манфаатлар қарама-қаршилигининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

расмий мулоқот меъёрлари ва профессионал одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилишлари;

белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Жамиятга рақобатдош ташкилотнинг улушини (акциясини) олиш нияти тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни ёки Жамият бошқарув ва назорат органларини хабардор қилиш;

низолни ҳолат юзага келишига олиб келувчи вазиятларнинг пайдо бўлиши тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиш;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари салмоқли молиявий манфаатдор бўлган ташкилотлар ва Жамият билан тижорат фаолияти олиб борадиган ёки олиб бормоқчи бўлган ташкилот тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни ёзма хабардор қилиш;

мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари молиявий манфаатдор бўлган ёхуд аффилиланган шахс ҳисобланган ташкилотлар билан Жамият ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир этувчи ҳар қандай фаолиятдан тийилиш;

манфаатлари Жамият манфаатларига зид келувчи бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун дастлаб Жамиятнинг юқори турувчи органларининг руҳсатини олиш;

бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисидаги аҳдини ва кўзланган иш Жамият манфаатларига зид келмаслиги тўғрисида юқори турувчи мансабдор шахсни хабардор қилиш.

VI. МАНФААТЛАР ҚАРАМА - ҚАРШИЛИГИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

15. Жамиятда юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари,

ходимлари Жамият манфаатларига тўғри келадиган қонуний ва асосли қарорга келиш учун судгача тартибдаги жараёни амалга оширадилар.

16. Жамият мансабдор шахслари бошқарув ва назорат органлари, корпоратив котиблар ва ташкилий тузилмалар номига келиб тушган хат, ариза ва талабномаларнинг (шу жумладан оғзаки мурожаатлар) ҳисобини ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари зарур.

17. Корпоратив низоларнинг ҳисобини олиб бориш Жамият корпоратив котибига юклатилади. Жамият корпоратив котиби корпоратив низога (қарама-қаршиликка) дастлабки баҳони беради, масаланинг мазмунига оид зарур ҳужжатларни тайёрлайди, Жамият кузатув кенгаши билан келишган ҳолда мазкур корпоратив низони кўриб чиқишга ваколатли органга тақдим этади.

18. Жамият корпоратив котиби тез-тез келиб чиқадиган низоларни (қарама-қаршилик) таҳлил қилади, низонинг барча иштирокчиларига қўшимча ахборот тақдим этиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки Жамият ваколатли органига мазкур турдаги низоларга олиб келувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида бошқа чоралар кўриш учун Жамият ички тартиб ва қўлланмаларига ўзгартириш киритиш ҳақида таклиф киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа манбалардан олинган низоли вазиятларга оид ахборот ҳақида ходим юқори турувчи мансабдор шахсни дарҳол хабардор қилиши лозим. Қарама-қаршиликни таркибий тузилма даражасида ҳал қилиш имкони бўлмаганда, тузилма раҳбари бир иш куни ичида ижроия органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига қарама-қаршилик, унинг келиб чиқиш сабаблари ва кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиши лозим. Ижроия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қарама-қаршиликни ҳал қилиш тартибини белгилайди ва ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур бўлганда манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун комиссия ташкил этилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун зарур чораларни кўради. Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш имкони бўлмаганда ижроия органи раҳбари мазкур масалани бошқарувда кўриб чиқишни таклиф қилади, қарама-қаршилик ҳақида маълумотларни Кузатув кенгаши раисига юборади.

21. Мазкур ахборот Кузатув кенгашининг низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш мақсадида тузилган кўмитаси (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.

22. Қарама-қаршилик ҳақидаги маълумот, уни ҳал қилишнинг ҳар қандай босқичида жамият ижроия органи ёки унинг ўринбосари манфаатларига даҳлдор бўлса ёки даҳлдор бўлиши мумкин бўлса, уч иш куни ичида Кузатув кенгашига, кейинчалик кўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқиш ва мазкур масала юзасидан Кузатув кенгашига хулоса тақдим этиш учун, қарама-қаршиликни ҳал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун берилади.

23. Агар қарама-қаршиликни кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички ҳужжатларини қайта ишлаб чиқиш ёки уларга ўзгартириш киритиш зарурияти аниқланса, кузатув кенгаши ёки ижроия органи ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш ёки уларга тегишли ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Жамиятда юзага келган ҳар қандай манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилишда Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

юзага келаётган манфаатлар қарама-қаршилигини ва уларнинг сабабларини мумкин қадар тез аниқлаштириш;

Жамиятнинг бошқарув органлари ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаб олмақ;

Жамиятда қарама-қаршиликни ҳал қилиш бўйича ваколатли шахсни белгилаш ва зарур ҳолларда, комиссия ташкил қилиш;

қарама-қаршилик моҳияти бўйича Жамият позициясини энг қисқа муддатларда аниқлаш, тегишли қарор қабул қилиш ҳамда қарама-қаршиликнинг бошқа тарафига қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилиш;

қарама-қаршиликка алоқадор томонга мазкур қарама-қаршилик бўйича Жамиятнинг позицияси аниқ асослаб берилган тўлиқ ҳамда батафсил жавобни юбориш, қарама-қаршилик иштирокчисининг сўровнома ёки талабномасини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисидаги хабарни эса қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ асослаб бериш;

қарама-қаршиликни ҳал қилишда иштирок этувчи ваколатли шахснинг қарама-қаршилик унинг манфаатлари ёки оила аъзоларининг манфаатларига дахлдорлиги ёки дахлдор бўлиши мумкинлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилишини таъминлаш;

қарама-қаршиликка манфаатлари дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахсларнингбундай қарама-қаршиликни ҳал қилиш ва у бўйича қарор қабул қилишда иштирок этмаслигини таъминлаш.

25. Жамият акциядорлари ўртасидаги, Жамият бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиш учун:

Жамият акциядорлари ўртасида юзага келган қарама-қаршиликларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси воситачи сифатида қатнашиши мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши, ўзларида мавжуд, қарама-қаршиликка тегишли ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонунчилик нормаларини, устав ва ички ҳужжатларни тушунтириб беришлари мумкин;

Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беради, акциядорлар томонидан имзоланган қарама-қаршиликни ҳал қилишга оид ҳужжат лойиҳаларини тайёрлайди, ўз ваколатлари доирасида Жамият номидан қарама-қаршиликни ҳал қилиш имкони даражасида акциядорлар олдидаги мажбуриятларни қабил қилади;

Жамиятнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив қарама-қаршиликни ҳал қилиш бўйича қарорни амалга оширишни ташкиллаштириши ва қарама-қаршилик иштирокчилари билан Жамият номидан имзоланган келишувларнинг ижросини таъминлаши шарт. Агар қарама-қаршиликнинг тарафи ва Жамият ўртасида уларнинг қарама-қаршиликни ҳал қилишга оид мажбуриятларининг мазмуни бўйича низо мавжуд бўлмаса, лекин уларни бажариш тартиби, усуллари, муддати ва бошқа шартлари тўғрисида келишмовчиликлар юзага келса, Жамият қарама-қаршиликнинг тарафига юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилишни таклиф қилиши ва Жамият акциядор талабларини қондириши мумкин бўлган шартларни баён қилиши зарур;

агар Жамиятнинг акциядор талабини қондириш бўйича розилиги ушбу тарафнинг қонун ҳужжатларида, Жамият Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган ҳаракатларни содир этиши билан боғлиқ бўлса,

Жамиятнинг жавобида бундай шартлар тўла-тўқис тарзда кўрсатилади, шунингдек, уларни бажариш учун муҳим бўлган ахборот (масалан, акциядор томонидан сўралган ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш ҳақи миқдори ёки Жамиятнинг банк реквизитлари ва ҳ.к.) хабар қилинади..

26. Мазкур чоралар рўйхати тугал ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиш соҳасига кўра қарама-қаршилиқни ҳал қилишнинг бошқа шакллари қўлланилиши мумкин.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур Низом ва унга киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишида оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Агар мазкур Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки Жамиятнинг Уставига зид бўлса, бу бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ва ушбу бандлар билан тартибга солинувчи масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунча қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик меъёрларига ва/ёки Жамиятнинг Уставига асосан тартибга солинади